АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

Абсаттарова Шахло

Ғаллаорол тумани 5 –сон ДМТТ директори

Аннотация: Ушбу мақолада атоқли давлат арбоби ва шоир Алишер Навоий асарларида таълим ва тарбияга бўлган эътибор, педагогик қарашлари, болага аҳлоқий тарбия бериш, илмий-адабий мероси акс эттирилган

Калит сўзлар: инсонпарварлик, ҳаётийлик, таълим, тарбия, маънавий етуклик, ижтимоийлик

Аннотация: В данной статье осуществляется внимание на образование и воспитание ребёнка в произведениях известного государственного деятеля и поэта Алишера Навои, педагогические взгляды, воспитание ребёнка, научное и литературное наследие.

Ключевые слова: гуманность, жизнестойкость, образование, воспитание, духовная зрелость, социальность

Annotatsion: This article focuses on the education and upbringing of the child in the works of the famous statesman and poet Alisher Navoi, pedagogical views, child upbringing, scientific and literary heritage.

Key words: humanity, vitality, education, upbringing, spiritual maturity, sociality

Кириш

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, унинг бой илмий-адабий меросини ўрганиш, асарларини юртимиз ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 февраль 2021 йилдаги “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-4977-сонли қарори қабул қилинди. Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгиланди: Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлик ғоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш;

Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, мукаммал илмий нашрларини яратиш, уларни республикада ва чет элларда нашр этиш; Алишер Навоийнинг илмий-адабий меросини тадқиқ этаётган адиб ва олимлар фаолиятига кўмаклашиш, улар яратган илмий ва бадиий асарларни жамлаш, шоир ижодини ўрганаётган, жумладан хорижий давлатлардаги илмий-ижодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш; ҳар йили Алишер Навоий туғилган сана — 9 февраль куни халқаро конференция (симпозиум) ва «Навоийхонлик кунлари» ни ташкил этиш ва ўтказиш.

Асосий қисм

Жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротда туғилган. Бўлғуси шоирнинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор берди. Алишернинг шеъриятдаги илк устози тоғаси Мир Саййид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлардир. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Кобулий ҳақида: «Яхши табъи бор эрди, туркчада майли кўпроқ эрди...» деса, Ғарибий ҳақида: «Хуш муховара (хушсуҳбат) ва хушхулқ ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чалар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди...» — дейди.

Алишер Навоий гўдаклик чоғларидан тасаввуф шеъриятининг устоди Фаридиддин Аттор яратган «Мантиқ ут-тайр» асарига меҳр қўйгани бизга маълум. Умрининг охирида ушбу асарга татаббу — жавоб ёзар экан, ўзининг шунгача ёзган барча асарларига фалсафий якун ясайди. Аттор асари Борлиқнинг ягона моҳияти ҳақида, Ҳақ асрори ва инсон учун уни англаб етиш имкон даражаси ҳақида эди. «Лисон ут-тайр» мазмуни «Мантиқ ут-тайр»га зид ёки ундаги фикрларнинг такрори ҳам эмас, балки янги тарихий-маънавий босқичдаги шарҳи, талқинидир. Атторнинг қушлар тилидан ёзилган достонида ирфоний эҳтирос ниҳоятда жўшқиндир. Навоий эса босиқ воқеабанд тасвирга урғу беради, қушлар саргузаштида ва ички ҳикояларда ҳаётийликни кучайтиради. Бу бежиз эмас. Охирги хулосада Навоий салафига

қараганда олға кетади, масала моҳиятини теранроқ ҳис қилади ва бадиий тасвирни ҳам шунга муносиб яратади.

Тақдир Алишер Навоийни замонанинг улуғ ва шарафли кишиларига яқин қилди, устоз-мураббийлик этувчи зотлар билан ошно этди. 1466—1468 йиллар Алишернинг умри асосан Самарқандда кечди. Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллаганда, Алишер Навоий 28 ёшли мукаммал билимлар эгаси, юртга танилган шоир ва тажрибали давлат арбоби даражасига етишган эди.

Навоий ўз ижоди билан узбек адабиётининг сўнгги ривожини белгилабгина қолмай, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бутун маънавий маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари, шеърияти қайта-қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди. Алишер Навоий ижодини ўрганиш, унинг илмий тахдили бўйича сўнгги йилларда қатор таниқли тадқиқотчилар иш олиб бордилар ва бугунги кунда ҳам Навоийнинг мероси кўпгина олимларимизни илҳомлантириб келади. Ҳозирда мактаблар, хиёбонлар, кўчалар буюк шоиримиз номи билан юритилади. Унинг номида Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” ги қарорига кўра ҳар йили мамлакатимизда қобилиятли ёшларни рағбатлантириш, уларни фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли ўқувчилар, талабалар ва магистрантларни қўллаб-қувватлаш, ҳамда муносиб тақдирлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ҳар йили давлат ОТМ да ўқиши давомида аъло баҳоларга ўқиётган ва илмий (ижодий) ишларда фаол иштирок этаётган олий таълим муассасалари талабалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат стипендиялари қаторида Навоий номидаги давлат стипендияси тайинланиб келинмоқда.

Натижалар ва таҳлиллар

Навоийнинг инсон ва унинг ҳаёти тўғрисидаги мулоҳазаларида ижтимоийлик, маънавий етуклик ва ахлоқий поклик худбинликдан устун туради. Навоийнинг фикрича, инсоннинг қадр-қиммати унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади. Дунёга, мол-мулкка ҳирс қўйиш кишини тубанликка, разиллик ва худбинликка олиб келишидан шоир огохлантиради. Ҳурфикрлилик - бу ижтимоий –фалсафий тафаккурдаги кенг ғоявий оқим хисобланади. Мазкур категорияни кенг маънода барқарор диний авторететлар, фалсафий, аҳлоқий ва диний, ижтимоий тафаккурдаги билиш методи саналувчи догматизмга шунингдек абстракт ва қотиб қолган ақидаларга қарши чиқишни назарда тутувчи тенденция сифатида тавсифлаш мумкин. Ҳақиқатни ақл-идрок асосида билишни таққозо этувчи айнитенденция эркин фикрликнинг ғоявий мазмунини ташкил этади. Хурфикирлиликнинг тарихий ривожланиши шуни курсатадики, у қадимги дунёда вужудга келгандан то асримиз бошларигача бир қанча босқичларни босиб ўтган, бу даврларда хурфикирлилик гох секинлик билан, гох тезлик билан ривожланган. Жамият ривожланиб борган сари у хам янада йуқорироқ босқичларга кутарила борган.

Хулоса

Умуман, Навоийнинг инсон ва унинг ҳаёти тўғрисидаги мулоҳазаларида ижтимоийлик, маънавий етуклик ва ахлоқий поклик худбинликдан устун туради. Навоийнинг фикрича, инсоннинг қадр-қиммати унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади. Дунёга, мол-мулкка ҳирс қўйиш кишини тубанликка, разиллик ва худбинликка олиб келишидан шоир огохлантиради.

Хурфикирлиликнинг тарихий ривожланиши шуни курсатадики, у қадимги дунёда вужудга келгандан то асримиз бошларигача бир қанча босқичларни босиб ўтган, бу даврларда хурфикирлилик гох секинлик билан, гох тезлик

билан ривожланган. Жамият ривожланиб борган сари у хам янада юқорироқ босқичларга кўтарила борган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Усманова M.Alisher Navoiy asarlarida o’simlik nomlarining umumiy tavsifi. DİL VE EDEBİYAT ARAŞTIRMALARI(8) Turkiya 2013 yil

2. Усманова M. Application of phytonyms in the works of Alisher Navoi. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Volume 7 Number 12, 2019. ISSN 2056-5852.

3. Усмонова M. Lexical and semantic properties of phytonyms in properties of phytonyms in the works of Alisher Navoi. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal. 2021